



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОЖИШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 25 (9.369) 2000 йил 28 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГҲА ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси томонидан уюштирилган "Аграр муносабатларини эркинлаштириш" мавзусидаги "Давра суҳбати" да аграр соҳасига доир камчилик ва муаммолар айтилди, амалдаги айрим қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозимлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди.
- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъати йиғилишида молия органларининг ўтган йилги фаолиятига асосан чикарилди ва 2000 йилнинг устувор йўналишлари белгиланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номидан уни ана шу лавозимга қайта сайланганлиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этган қардош Қирғизистоннинг Сафед Булон қишлоғи аҳолисига бир неча тонна ун, гуруч, шакар ва бошқа қўлгина озиқ-овқат маҳсулотлари ёрдам тариқасида топширилди.
- Нурота туманида "Соғлом авлод" давлат дастурини бажариш мақсадида туман марказий туғруқхонасини жаҳон андозалари асосида таъмирлаш учун Финляндиянинг "Медко-медикал" фирмаси томонидан 1 миллион 300 минг АҚШ доллари қийматидаги эга бўлган янги линия келтирилди.
- Андижон вилоятида Наврўз байрами шарафига тозалик ва ободонлаштириш ойлиги ўтказилмоқда.
- Косонсой туманида трикотаж қалава ва иплар ишлаб чикарадиған янги ўзбек-турк қўшма корхонаси очилди.
- "Экосан" халқаро фондида сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш муаммоларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.
- Қаршида фермер ҳўжаликлари, ширкат ва қишлоқ ҳўжалик корхоналари раҳбарлари учун семинар бўлиб ўтмоқда.
- Ўзбекистон ёш олимларининг миллий жамияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсати фан ва техника давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Ёш олимлар гиевандларсиз жамият учун" деган мавзуда семинар ўтказди.
- Тошкент архитектура-қурилиш институти кутубхонасида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Тошкентдаги Гете институти хомийлигида адабиётлар билан жамланган немисча ўқув зали очилди.
- Бугун Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида таниқли ёзувчи ва драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг 60 ёшга тулиши муносабати билан ижодий кеча ўтказилди.

ЖАҲОНДА

- Ўзбекистоннинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Алишер Файзуллаев Лондонда қиролча Елизавета II га ишонч ёрлигини топширди.
- Кеча Тожикистонда парламентнинг қуйи палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Кузатувчиларнинг фикрича сайловлар юксак ушқоқлик ва сайловчиларнинг фаоллиги остида ўтди.
- Бугун Қирғизистонда республика парламентига сайловлар бўйича сайлов жараёнининг иккинчи босқичи бошланди.
- АҚШ Молдова билан ҳарбий ҳамкорликни кенгайтирмоқда, деб баёнот берди ушбу мамлакат қуроли қўла-рининг Европадаги бўлинимаси бошлиғи ўринбосари Чарльз Эббот Кишинёвга сафари вақтида. У таширф доирасида маъзур мамлакат раҳбарлари билан учрашиб, ҳарбий соҳадаги алоқаларни ривожлантириш борасида музокара-лар ўтказди.
- Бугун Қоҳирада минтақада умумий бозор бўйича халқаро анжуман ўз ишини бошлади.
- Кеча Россияга келган инсон ҳўқуқлари бўйича Европа Кенгашининг комиссари А. Хиль-Роблес террорчиларга қарши операция пайтида қўлга олинган чечен жаңгариларининг аҳоли ва уларни сақлаш шароитлари билан танишиш мақсадида Шимолий Кавказга жўнаб кетди.
- Халқаро валюта жағмармасининг иккинчи директори лавозимига Япониядан номзоди қўрсатилган Эйсуэ Са-какибуро жағмармага раҳбарлик қилишга тайёргилини маълум қилди. Маълумки, ушбу лавозимга америкалик Стэнли Фишер ҳам даъвогарлик қилмоқда.
- Македония полицияси албан миллатига мансуб ким-са яшаган меҳмонхона хонасида мамлакатга аширин тар-зда олиб келинган ва косоавлик албанларга жўнатишга мўлжалланган икки тонна қурол-проғни фош қилди.
- Туркия Президенти Сулаймон Демирел Кавказда ба-рқарорликни ўрнатиш бўйича ҳўжжатни имзолаш ташаб-буси билан чиқди. Ҳозирги пайтда яқин вақт ичида Грузия пойтахти Тбилисиде Россия, АҚШ, Туркия, БМТ ва бошқа бир қатор мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг нуфузли делегациялари билан ана шу ҳўжжатни имзолаш имкониятларига бағишланган учрашувни ўтказиш муҳока-ма этилмоқда.
- Словакия Европа Иттифоқи ҳамда НАТОга аъзолиғи-ни имкон қадар тезлаштириш мамлакат ташқи сийёсати-нинг энг устувор йўналишларидан биридир. Президент Рудолф Шустер матбуот анжуманида шундай баёнот бе-риб, расмий Братиславанинг барча ҳаракатлари шу мак-садларга етилишга қаратилганини маълум қилди.
- Миср парламенти бундан бир неча йил муқаддам Президент Анвар Сададнинг экстремистлар томонидан ўлдирилганлиги сабабли мамлакатда жорий этилган фар-қуллода ҳолат режимини яна ўй муқаддатга узайтирди.
- Словакия қарибдаги Топонич шаҳарчасида портла-ган қўлбола бомба бир кишининг умрига зомин бўлди. Маълумотларга қараганда, бу бомба енгил автомобилга қўйиб кетилган.

ЭРКИНЛАШТИРИШ – ОЛФА ИНТИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ажунари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотлари чуқураштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов ўз маърузаларида бир қатор масалалар билан бирлашда ка-питал қурилиш тизимини ислох қилиш, банкларнинг инвес-тиция фаолиятини фаоллаштириш, кичик ва ўрта бизнес-ни янада кенгрок қўллаб-қувватлаш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликка ҳов бўлаёт-ган буйруқбозлик ва сансалорликка барҳам бериш, узлаш-тирилаётган чет эл сармоясини қўлайтириш, бозор инф-ратузилмаси институтиларининг фаолиятини такомиллаш-тириш борасидаги вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Юракдаги гаплар

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Ривожланган бозор муносабатларига асосланган дав-латларда ҳажми катта бўлмаган кичик бизнес корхоналари-нинг алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга экан-лиги тасдиқланмоқда. Ҳақиқатан ҳам кичик корхоналар иқти-содийнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Шу боис ҳам Пре-зидентимиз кичик, ўрта ва хусусий бизнес ялпи ички маҳсу-лот ишлаб чикаришда нафақат ҳал қилувчи мавқени эгалла-ши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари орти-шида, ишсизлик муаммосини ечишдаги муҳим омилга ай-ланишини олдимишга асосий вазифа қилиб қўйишимиз ло-зимлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, тадбир-корларга амалий ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, ишлашлари, ташаббус қўрсатишлари тўқсинлик қил-маслик ҳақида қуёниб гапирди.

Президентимизнинг ана шу гаплари шаҳримизда фаоли-ят қўрсатаётган ҳамда тадбиркорликни бошлаш, юрт рав-нақи, эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилишни энг олдига мақсад қилиб қўйган ишбилармонларни, хусусий корхона-лар раҳбарларини тўқсинлаштириб, уларнинг мустақиллик даврида олиб бораётган ишлари ривожига ишончини минг қарра ошириб юборди. Бунга таҳририятимизга кўнгирок қилиб, мактуб йўллаб ўз дил изҳорларини баён этаётган тадбиркорларнинг сўзларидан ҳам сезиш мумкин.

Ҳасан ИЛҲОМОВ, "Дероз" хусусий фирмаси директори:

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида-ги маърузасини марок билан тингламаган тадбиркор то-пилмас керак, албатта. Чунки маъруза тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, ишбилармонларга ҳар томонлама қўлай шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият қаратилди. Пре-зидентимиз ҳақ гаплари айтилди: баъзи бир раҳбарларнинг лоқайдлиги, текширувларнинг, тадбиркорлар ишига четдан аралашувларнинг қўлиги қўпича ишимизга ҳалал беради, тадбиркорнинг ташаббусини бўғди, ишдан қўнглини со-вутади.

Президентимизнинг биз тадбиркорларга бундай ғамҳўр-лигига биз ўз амалий фаолиятимиз билан жавоб бермоғи-миз лозим. Бизнинг корхонамиз асосан қандолат маҳсулот-лари ишлаб чикариб, элимиз дастурхонини ширин-шакар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мана шу тадбиркорларга берилаётган эътибор боис бўлса керак ўтган йилда ишимизда анчагина силжишлар бўлди. Чунки текширувчилар, ҳудда-беҳуддаги иши-мизга аралашувчилар сонни сезиларли даражада камайтиди. Баъзида шундай ҳоллар ҳам бўлардики, текширувчилар билан овера бўлиб, асосий ишингиз қолиб кетди, асаблар-ингиз бузилади.

Янги йилни янги изланишлар, янги маҳсулотлар турла-рини ишлаб чикаришга жорий этиш билан бошладик. 2 хилдаги печенье ҳамда "Тошкент тонги" ва "Тошкент окшо-ми" деб номланган шоколадлар ишлаб чикара бошладик. Ҳадемай уларни шаҳримиз аҳолисига, Наврўз дастурхонига тортиқ этамиз. Шунингдек, сифатли ва рақобатбардор маҳ-сулотларимизни, албатта хорижа экспорт қилиб, валюта ишлаш, уни ишлаб чикаришни ривожлантиришга, қўшимча ишчи ўринлари яратишга сарфлаш ниятидамыз. Тадбир-корларга шўнчалик эътибор берилаётган экан, бунга биз ўз ишимиз билан жавоб берайлик.

Абдурашид ВАХОБОВ, хусусий фирма раҳбари:

— Албатта, тадбиркорликка қўл уришини ўзи бўлмайди. Тадбиркор бўлиш бу меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам серма-шароат меҳнат. Албатта, ҳар қандай ишнинг бошланиши биз қўнйирок кечади, турли хил тўқсинларга дуч келина-ди. Менда ҳам бошида шундай бўлган. Мана ҳозирда югу-рганларим, изланишларим зое кетмади. Бунда тадбиркор-ларга яратилаётган шарт-шароитлар маъдд бўлди.

Абдор АРСЛОНОВ, бўлғуси тадбиркор:

Бир тадбиркор дўстим бор. Текшир-текширлар, қий-инчиликлар жонига тегиб, барча ишдан воз кечди. Шунинг учун ҳам мен тадбиркорликка қўл уришга иккиланиб юрган эдим. Президентимизнинг маърузаларини эшитдим, ҳам газетада ўқиб чиқдим. Бу юрагимдаги илхосни яна аланга-латди. Ана шундай ёниқ сўзлардан, қўллаб-қувватлашлар-дан илхосланмай, тадбиркор бўлмай бўладими? Энди мен ўйлаб юрган ишимни амалга оширишга аҳд қилдим.

Гулбаҳор УСМОНОВА, хусусий тадбиркор:

— Телевизор орқали Ортбосиимизнинг сўзларини тинг-лар эканман, тўғриси ҳажжонимдан чапак чалиб юбордим. Айниқса, у кишининг назорат органлари ҳақида айтган гаплари айнан ҳақиқатдир. Чиндан ҳам Президентимиз ай-танларидек, назорат органлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига уларнинг қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат-лари билан уларнинг ишига тўқсинлик қилади. Кечаги гаплардан кейин албатта, бундай қонунбузарликлар барҳам топишига ишонамиз.

Қаҳҳор ОЛИМОВ, хусусий ошона раҳбари:

— Ҳеч кимга сир эмас, тадбиркорларга анчагина қий-инчиликларни енгилга турти келмоқда. Узим хизмат соҳасида қўл йиллик тажрибага эга бўлсамда, иш бошлашда анча қийналдим. Чунки хусусий ошона очиш учун лицензия олиш масаласида юқори ташкилотларда кабинетма каби-нет югурдим. Худода шукр, ҳозир ишларим юришиб кетди. Президентимизнинг кечаги чиқаришларидан кейин, албатта бошловчи тадбиркорларнинг югуришлари камайдя, уларга қўпрок эркинлик берилади, деб ўйлайман.

Шарифа ИЛЁСОВА
ёзиб олди.

ОМАД ЁР БЎЛГАНДА

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишди. Бу гапнинг ҳақиқатли-гини мамлакатимизда тўрт йилдан буй тадбиркор ва хунар-мандлар ўртасида бўлиб ўтаётган "Ташаббус" кўрик-танлови яққол тасдиқламоқда. Тадбиркорлик ва халқ хунармандчилигини ривожлантириш, Тошкент шаҳрининг энг яхши тадбиркорлари ва хунармандларини аниқлаш, уларнинг касб-маҳорати ва таж-рибасини оширишга ҳамкорлик қилиш ҳамда Ўзбекистон Респуб-



Ана шу қарорга мувофиқ айни кунларда пойтахтимиз туманларида "Ташаббус-99" кўрик-танлови бўлиб ўтмоқ-да. "Тошкент трактор заво-ди" давлат ҳиссдорлик жа-мияти маданият саройида Мирзо Улуғбек тумани тад-биркор ва хунармандлари ўртасида ана шундай кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ушбу тад-бирда нафақат иштирокчи тадбиркор ва хунармандлар, балки туман маҳаллалари-нинг оқсоқоллари, бўлғуси тадбиркорлар иштирок эти-ди. Ташкил этилган кичик кўргазмадан "Гербафара" хусусий корхонаси, "Андоза", "Гринтен", "Ровон", "Не-фиттамирловчи" масъулияти чекланган жамиятлари каби кичик жамоалар тадбиркор-ларининг янги ва рақобат-бардор маҳсулотлари, хунармандларнинг бетақор ишлари ўрни олган. Уларни кўриб пойтахтимизда изла-нувчан ва ташаббускор тад-биркор ва хунармандлар борлигига яна бир бор амин бўласиз.

— Туманимизда 2150 дан ортиқ тадбиркор биз билан ҳамкорликда фаолият юри-тмоқда, — дейди туман товар ишлаб чикарувчилар ва тад-биркорлар палатаси раиси Насрулло Абдувалиев. — Па-латамиз ҳодимлари уларга кўмак беришда, қўллаб-қув-ватлашда режа асосида иш юритмоқда. Айниқса, тадбир-корларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш, амалга ошираётган ишларига ишонч, ташаббус қўрсатиш-ларига имкон яратиш, кре-дит олишда кўмак беришда ёрдамлашис асосий вазифа-ларимиз сирасига қиради. Шунингдек, туманда 3 та биз-нес инкубаторлар бўлиб, улар билан ҳам алоқаларимиз му-стаҳкам. Ўтган йилда 50 на-фар тадбиркоримиз "Химол" масъулияти чекланган жа-миятида ҳуқуқ масалалари бўйича, 4 нафарни эса молия институти қошида кичик ко-рхоналар иши юзасидан таш-кил этилган курсларда ўқиб келдилар. "Саноатколсал-тин" компанияси билан ҳам-корликда ўқув семинарлари

ташкил этилди. Ўрта ва кичик корхоналаримизга 900 милли-он сўм кредит олишларида кўмаклашди. Вазирлар Маҳ-камасидаги мажлисида Юртбо-шимиз тадбиркорлар олдига қўйган катта ва масъулиятли вазифалар фаолиятимиз меъзо-нига айланади. Дарҳақиқат, иқтисодийтимизни юксалти-ришда ҳисса қўша оладиган тадбиркорларимиз кўп, бугун биз уларнинг энг сараларини танилаб олдик...

Танловни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Зафар Файзуллаев очиб, барча ишти-рокчиларга омад тилди. Ҳар бир тадбиркор ва хунар-

лик ҳақидаги қимматбаҳо ки-тоблар тақдим этилди. Тадбиркор ва хунарманд-ларнинг фирм-мулоҳазалари-дан эса кўрик-танловнинг уларга кўтаринки қайфият ба-ғишлаганини сезиш мумкин.

манд кўрик-танлов шартлари бўйича ўз маҳсулотларини на-мойиш этди, келгуси режалари, уларнинг иқтисодийтимиз раванқига қўшадиган улуши ҳақида гапирдилар ва савол-ларга батафсил жавоблар бўлди. Етти нафар тадбиркор ва уч нафар хунарманд ишти-рок этган кўрик-танлов ўз яқу-нини топди. Унга кўра "Грин-тек" масъулияти чекланган жа-мияти туманининг "Энг яхши тад-биркори", ёш минияторачи рас-сом Жамшиддин Сайдалиев "Энг яхши хунарманд" но-мини олишга сазовор бўлди. Қўлблагарга диплом ҳамда қим-матбаҳо совғалар, барча иш-ловчиларга эса "Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, фармойишлари ва уларни ижро этиш юзаси-дан ҳўжжатлар тўплами" ҳамда ишбилармонлик ва тадбиркор-

"Ишонч телефони"

ЭРКИН
ФИКРЛАР
АЙТИЛМОҚДА

Мустақилликка эришганимиздан буй Президентимиз ҳар бир чикаришда кич-ик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркор-ликни ривожлантиришга асосий эъти-борни қаратиб келмоқда. Айниқса, Ва-зирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъру-засида ҳам ана шу устувор масалага ало-ҳида тўхталиб ўтилди. Иқтисодий эркинлаштириш, ислохотлари чуқу-раштириш давр талаби, энг муҳим ва-зифани эканлиги қўрсатиб берилди. Пре-зидент маърузасини эшитсан, ўқисан, эн-дан наҳом олган ҳаммашарқларимиз га-зетамизда ташкил этилган "Ишонч те-лефони"га кўнйирок қилишни эркинлаш-тириш ҳақидаги эркин фирм-мулоҳаза-ларини изҳор этмоқдалар.

— Президентимиз дилимиздагини тўғри тоғиб, "эришган яра"ларимизга маълум бўлдики, — дейди ўзини тад-биркор деб таништирган ҳамшаҳримиз Жўрабек Одилов. — Бундан икки йил аввал хусусий ошона очиш учун нечта-

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ТЎРТИНЧИ ТОШКЕНТ САВДО-САНОАТ ЯРМАКАСИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Тошкент шаҳрида фа-олият қўрсатувчи корхо-налар, қўшма ва чет эл корхоналари томонидан ишлаб чикарилаётган маҳсулотларни аниқлаш ва уларни кенг тарғибот қилиш, шунингдек чет эл фирмалари тақлиф этаёт-ган маҳсулотлар ва экс-порт бозори талаблари-ни ўрганиш, янги ишлаб чикариш алоқаларини ўрнатиш мақсадида Тош-кент шаҳар ҳокими Қозим Тулағанов "Тўртинчи Тош-кент савдо-саноат ярмар-касини ўтказиш ҳақида" фармойиш қабул қилди. Унга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлигининг иқти-содий ва статистика бош бошкармаси, Тошкент ша-ҳар Давлат мулкчилигини бо-шқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Тошкент шаҳар товар иш-лаб чикарувчилар ва тадбир-корлар Палатасининг 2000 йил 4-8 апрелда "Тўртинчи

Тошкент савдо-саноат яр-маркаси"ни ўтказиш ҳақида-ги тақлифи қўллаб-қувват-ланди.

Ярмаркани тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳайъати тасдиқланди. "Тўртинчи Тошкент сав-до-саноат ярмаркаси"ни тайёрлаш ва ўтказиш ҳақидаги Низом тасдиқлан-ди.

Ташкилий қўмита ярмар-кани ўтказиш жойи, Дасту-ри ва ҳаракатлар сметаси-ни йиғирма кун ичиде иш-лаб чиқиб тақдим этиши ке-рак.

Тошкент шаҳри туманла-ри ҳокимларига ўн беш кун-лик муддат ичиде иштирок-чи корхоналарни танилаш ва уларнинг экспозицияларини тайёрлаш бўйича янги гу-руҳларни ташкил этиш то-пишилди.

Ярмарка дирекциясининг ташкилий ишларини муво-фиқлаштириш Тошкент Халқаро Бизнес Марказига топишилди.

Маълумки, жаннат макон Туркистон заминига қарши кўп жаҳонга босқинчилар ҳужум қилиб уни эгаллаш учун ҳеч нарсасдан тўймаганлар. Бундай вақтларда минтақадаги шаҳарлар қатори Тошкент ҳам Ватан озодлиги учун курашларда фаол қатнашди. "Тошкент бошига, — дейди Юртбошимиз Ислам Каримов, — не-не синовлар, қулфатлар тушмади. У араб истилоси бўладими, мўғул босқини, шимолдан келган ганимлар таъовузи бўладими — барчасига қарши мардонавор курашди. XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси ҳужумига ҳам биринчи бўлиб кўксини қалқон қилган ҳам, жабрини тортган ҳам мана шу Тошкентимиз ва унинг мард ва жасур халқи бўлди".

Дарҳақиқат Тошкент аҳли чўқур тарихий даврларданок чет эл босқинчиларига қарши курашиб келган. Зеро 712 йилда араб лашкарбошиши Кутайба Самарқандга ҳужум уюштиришга ҳаракат қилаётганда Тошкент қўшини у ерга ёрдамга жўнатди. Аммо пистирмадаги Кутайба қўшини жангда галаба қозонади. У 713 йилда Тошкентга ҳужум қилганда уни ололмади. Араб халифалигига қарши Тошкент, Самарқанд ва Фарғона ўртасида иттифоқ тузилган эди. Бу Иттифоқнинг бирлашган қўшинлари 723 йилда Фарғонадаги Кувада халифа қўшинига зарба беради. 739 йилдаги ҳар икки томон ўртасидаги жангда ҳам тошкентликларнинг қўли баланд келган. Бироқ душман аскарларининг сон жиҳатидан қўлиги ва икки ўзаро курашлар орасида Тошкент халифа томонидан таъминла босиб олинди. Шунга қарамай тошкентликлар озодлик курашлардан қайтмадилар. Чунончи, улар X асрда мушаккул Сомониylар давлатининг юзага келишида фаол қатнашдилар. Тошкентликлар Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг таъовузига қарши курашда жонбозлик кўрсатдилар. Мўғулларнинг Алакнойон, Сухэту — Чорби ва Тугай лашкарбошичлари бошлиқ 5 минг кишилик қўшин Тошкент воҳасига бостириб кириб маҳаллий аҳоли билан 3 кун мобайнида жанг қилди. Пировардида душман голиб келиб кўп одамлар ҳалок этилди. Шундан кейин Тошкент ва атрофидаги жойлар то Амир Темури давригача хароб ҳолда ётди. Тошкентликлар чор Россияси таъовузига қарши курашларда ҳам қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди. Душман кучлари XIX асрнинг 50–60-йилларида Ок маҳит (Кизил Ўрда), Авлиё ота (Жамбул), Туркистон ва Чимкентни урушиб олаётган вақтда тошкентликлар ҳам жанг қилган эдилар. Босқинчилар генерал Черняев бошчилигида 1864 йил 27 сентябрда Чимкентдан Тошкент шаҳрига ҳарбий юришни бошлади. Бу вақтда бутун халқ жангга тайёр турган эди. Улар шаҳарни тўп ва милицлардан ўққа тутиб дарвоза ва деворларга ҳужум қилдилар. Икки томон ўртасида шиддатли жанг бўлиб Ватан ҳимоячилари галабага эришдилар. Девор татағиди сув тўлдирилган зовурда ҳам қаттиқ жанг қилинди.

"Урус солдатлари, — дейилади манбада, — олға чолиб зовурга ўзини урдилар. Уларнинг иккинчи гуруҳи ёрдамга келмоқда эди. Шу онда девор устидаги шертанга ва довларлар ўзларини пастга ташлаб, зовур ичида ўрсилар билан ёқма-ёқ ушлашиб бир-бирларини ханжар билан ўлдирди. Хатто баъзи кишилар қочиб кетаётган душман орасидан қўйиб ва ушлаб ханжар ва қилич билан жанг қилдилар. Зовур ичидаги ўрсилардан уруш ва талаш билан 72 кишининг боши танасидан кесилиб, яроғ-аслаҳалари ўлжа олинчи қозиларга бўлиб берилди". Ватан ҳимоячилари ҳам аниқ одамларини йўқотган. Рус манбада зовурда 80 киши, шу жумладан 4 офицер ҳалок бўлганини қайд этилган. Шу тарихи шаҳар аҳолиси бир ёқадан бош қариб қаҳрамонона курашганликлари тўғрисида катта галабага эришдилар. 1865 йил 28 апрелда генерал Черняев 9 рота аскар ва 12 тўп билан Тошкентга 25 қақрим масофадаги Ниязбек қалъасига қайнашди. Уларга қарши шаҳардан 3 минг кишилик Ватан ҳимоячилари келишиб, қаттиқ жанг қилишди. Оқибатда душман устунлиқ қилиб, қалъани эгаллади. Шундан кейин кўп ўтмай генерал Черняев шаҳардаги Салор аригининг атрофида ўрнашди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари шу даражада қаттиқ жанг қилдиларки, пировардида душман кучлари талафотга учраб чекиндилар. Бу катта галаба қарнай-сурнай садолари ва ашула-қуйлар садоси остида зўр шоду хурамлиқ ва тантана билан қарши олинди. Уларнинг галабасида аҳолининг кўрсатган мадади ва ғамхўрлиги бениҳоя муҳим ўрин эгаллади. Бу ҳусусда воқеанинг жонли гувоҳи Муҳаммад шундай ёзади: "Шаҳар аҳолининг 7 ёшдан 70 ёшгача эркак-хотин, ёш-қариси хизмат камарини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига кўтариб, қатик, суг, шербат, иссиқ нонлар ва ширин меваларни саватга солиб, қозилар ва муҳожидлар турган жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, қўзларидан ҳасрат ёшларини оқиб, қўз ёшлари билан қозилар ва муҳожидлар юзларидаги чангу губорларни ювиб, артиб кўзгудек тозаллаб, (келтирган нарсаларни) ёб битиришларини илтижо қилдилар".

Киши қалбини ҳаяжонга солувчи мазкур сатрлар шундан гувоҳлик берадики, тошкентликлар Ватани ва дини учун жонини ҳам, молини ҳам фидо этиб чинакам эрксеварлиги ва Ватанга содиқлигини намойиш этди.

Гарчанд тошкентликлар замонавий қуроллар билан қуролланган мунтазам рус кишилари устидан бирин-кетин галабага эришган бўлсаларда, лекин Ватан жонларининг душман тарафига ўтиб ёрдам беришлари орасида катта талафот қўрилди. Айниқса, Чувалачи маҳалласида истиқомат қилувчи Абдурахмон Шодмон ўғлининг сотқинлиги душман галабасини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Генерал Черняев унинг маслаҳати билан Бўзсув тўғонини бузиб, уни Чирчиқ сувига буриб шаҳарни сувдан маҳрум қилди. Натижада аҳоли сувсизликдан кўп азоб чекилди. 1865 йил май ойида босқинчилар билан Ватан ҳимоячилари ўртасида дахшатли жанглар бўлиб, ҳар икки томондан кўп одамлар ўлдирилди ва жароҳатлангилариди. Душманга қарши жангларга

Кўкон хонлигининг лашкарбошиши Олимхон қўмондонлик қилди. Жангда "Тўплар ва милицлар оғзидан думалоқ ўт-уловлар чиқиб, ҳавога парвоз этиб, душман устига ёғар эди. Жасур ва фидойи сарбозлар ва муҳожидлар уруш майдонидан душмани ёқасидан ушлаб ва мушлатиб, қўлариди тиг, қилич ва найзалар билан жанг қилдилар. Майдонда ўлаётганлар ва жароҳатланганларнинг оқ-воҳлари ва фарёдлари садолари ҳар томонга эшитилиб турарди". Шу пайтда лашкарбоши Олимхон оғир жароҳатланиб сафдан чиқди. Кўп ўтмай вафот этади. Натижада сардорсиз қолган Ватан ҳимоячилари орасида уюшқоқсизлик ҳукм суради. Душман кучлари шаҳарга бостириб кирганда баррикадалар билан тўсилган кўчаларда ва хатто масжидларда жанг давом этади. Уй-жойлар ва дўконларга ўт тушиб шаҳар остин-устун қилинади. Аммо, Ватан ҳимоячилари охириги имкон қолгунча жанг давом этдирилди. 1865 йил 17 июнда Тошкент вайронга айлангиларди, босқинчилар томонидан босиб олинди. Аммо, тошкентликларнинг озодлик кураши тўхтамай давом этади. Чунончи 1892 йилда Чор ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши халқ кўзғолони кўтарилди. Мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмдан сабр қосаси тўлиб-тошган шаҳар аҳли қўлига нима тушса шу билан қуролланиб, шаҳар маҳкамасига ҳужум қилдилар. Унинг биноси тошбўрон қилиниб, дараза ва эшикларини синдирилди. Халқ оломони маъмурият вакиллари яна жазолашни талаб қилиб шаҳар оқсоқоли Якуббеки уларнинг қўлига топирилишини сўрадилар. Шаҳар бошлиқи Путинцев эса қалтакланди. Ҳарбий қисм кўзғолончиларни шаҳар маҳкамасидан ваҳшийларча ҳайдагандан кейин у Эски Жўва бозорига давом этади. Менинг раҳматли Шорасул (1840–1950) бувамининг хотирасига кўра солдатлар оломонининг орасидан қўлаб кетаётганда одамлар шошиб қолгандан ўзларини ўрда сувига ташлашга мажбур бўлганлар. Бундан ташқари солдатларнинг ўзлари ҳам кўзғолончиларни сувга итариб чўктирганлар. Кейин сувдан 80 та ўлик олинган. Эски Жўвадаги солдатлар билан кўзғолончилар ўртасидаги тўқнашууда улардан ўн киши отиб ўлдирилди. Кўзғолон шафқатсизларча бостирилиб, 93 киши айбдор сифатида тергов қилиниб, улардан 57 киши қамоқда ушланди. Суд А. Абдурашидов, З. Исамухамедов, А. Мирсаломбеков, И. Чўқурбеков, А. Қасқобов, М. Файниддинов, М. Қасқобов, Т. Тошмуҳаммад Тўйчиевни осиб ўлдиришга ҳукм қилди. Булардан ташқари, 25 киши турли муддатлар билан қамоққа ҳукм этилди. 1892 йил Тошкент кўзғолонининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, у чоризм ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин илк бор кўтарилган йирик умумхалқ кураши эди. Унинг акс садоси ўлка бўйлаб таралиб, маълум халқни озодлик курашига қўлади. Бу борада 1916 йилги халқ кўзғолони алоҳида ўрин эгаллайди. У бутун Туркистон заминини қамраб Россия империясини ларзага солди.

Кўзғолон Тошкентда ўша 11 июлда бошланди. Уни биринчи бўлиб ўзбек аёллари кўтариб шаҳар кўчаларида дод-фарёд билан эркакларни бош кўтаришга даъват этди. Улар эркакларни орқаларидан эргаштириб шаҳар полиция бошқармасига боришди. Бу ерда 2000–3000 кишилик оломон ҳукуматнинг фронт орасидаги ишларга тўб аҳолининг вакиллари жалб этиш ҳақидаги фармонига қарши эканликларини баён этдилар. Аслида мустамлакачилик сиёсат ва миллий зулм кўзғолонининг асосий сабаби ҳисобланиб, фармон кўзғолон кўтарилишига туртки бўлган эди, холос. Валлий полиция бошқармасига ҳужум қилиб, маъмурият вакиллари жароҳатланди. Солдатларнинг уларга қарши ўқ узиши орасида А. Мирсатқўжаев, Ш. Абдукаримов ва бошқа кишилар ўлдирилди. Жамин 11 киши ўлдирилди. Аёллардан Рўзвонбиди Аҳмадхонова отиб ўлдирилди, Зўҳрабиди Мусамухамедова ярадор қилинди. Кўзғолон қатнашчиларидан бир неча кишилар, жумладан, А. Қасқобов, М. Шомухамедов осиб ўлдирилди ҳукм этилди. Булардан ташқари бир неча кишилар ўзоқ муддатли қамок жазосига тортилди.

Шундай қилиб тошкентликлар чор ҳукуматининг таъовузига қарши, сўнгра 1892 ва 1916 йилларда унинг ҳукмронлигига қарши жанг қилиб, мустақиллик ва озодликни тиклаш учун курашдилар.

Аммо қанчадан-қанча қонлар тўкилган курашларни моҳирлик билан бошқардиган сиёсий арбоб топилмади. Вақти-соати келиб бундай жасоратли, билимдон ва ташкилотчи давлат арбоби кўз ўнгимизда намоён бўлди. Бундай табарук зот Президентимиз Ислам Каримов сиймосида гавдаланди. Авваламбор ҳали тоталитар тизим ҳукмронлик қилаётган ниятда хавф-хатарли шароитда республикалар орасида биринчи маротаба Президентлик лавозими ўрнатилди. Бу лавозим мустақиллик ва озодликнинг жарчиси сифатида муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Шахсан Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуслари ва бевосита иштирокиди тарихан шакланган миллий-озодлик кураши 1991 йил 31 августда галаба қозониб ниятсизга етказилди. Шунинг билан оқсоқоқ, бу тарихий воқеа биринчи галда Тошкент шаҳрида содир бўлди. Бу ерда миллий давлат, миллий қўшин, миллий бошқарув тизими юзага келтирилди. Шунингдек, Республика парламенти, байроғи, мадҳияси ва герби жорий этилди. Айни пайтда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ишлаб чиқилиб ва ҳаётга татбиқ этилиб, улкан ютуқларга эришилди. Маънавият ва маданият соҳалари раванж топмоқда. Тошкент жаҳон андозаси даражасида ривожланган ва гўзалликда тенги йўқ шаҳардир. У ўзининг нуфузи ва салобатига, қўқамлиги ва ободлиги билан кишиларга завқ-шавқ ва ором бахш этмоқда. У ҳозирги замон тараққиётининг етакчиси ва намунаси ҳисобланмоқда.

Хуллас, жаннат макон Ўзбекистоннинг юрғи бўлиши қадимий ва ҳамиша навиқрон Тошкент Шарқнинг порлоқ юлдузи сифатида товланиб турибди. Бу билан гуруланиш ва фойдаланишга тўла ҳақимиз.

Ҳамид ЗИЁЕВ, профессор.



Пойтахтимиз жамолига қўрк қилиб турган Темурийлар тарихи давлат музейи.



№ 2 (97) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг иловаси

Тадбирлар

Фойдали учрашув

Тошкент шаҳар халқаро «Экосан» жамғармаси «Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови» дастури доирасида Тошкент автомобил йўллари институтининг «Экосан» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан институтнинг ўқитувчи-талабалари иштирокида «Соғлом авлод йилига бағишланган «Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт гарови» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда «Экосан» халқаро жамғармаси президенти Ю. Ш. Шодиметов ва Тошкент ав-

томобиль йўллари институтининг ректори С. М. Қодиров ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар. Учрашувда грипп эпидемиясининг олдини олишга алоҳида эътибор берилди. Бу касалликнинг олдини олиш тадбирлари доирасида «Экосан» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори Ш. Р. Иброҳимова ва жамғарманинг Мировот тумани бўлими директори Д. С. Обидов

институтнинг талабаларига инсонпарварлик ёрдами тариқасида жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ажратилган «Дибазол» дори-дармонларини топширдилар. Бундан ташқари Тошкент автомобил йўллари институтининг «Экосан» халқаро жамғармасининг бошланғич ташкилоти ҳам тузилди.

(Ўз муҳбиримиз).

Экология қўндалиқи

ҚОИДАБУЗАРЛАР

Қўмита назоратчилари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув манбаининг озодлаш бўйича бир қатор текширувлар ўтказдилар. Қўмита доимода бир неча қўндабузарликларга дуч келиши.

• «Тошмармар» ҳиссадорлик жамиятининг механик-таъмирлаш ва ёдгорлик бўюмлари бўлимида чанг тозалаш ускуналаридан нотўри фойдаланилганини ўқиб қорхонанинг бош механиги А. Умаровга 2000 сўм жарима солинди. Ҳиссадорлик жамиятида ҳосил бўлган яроқсиз люминисцент лампаларни ўз вақтида зарарсиз жойга чиқариб ташлаш чорасини кўрмагани учун қорхона электр бўлими бошлиғи Г. Темировга ҳисбатан 2000 сўм жарима солинди.


• «Машиныйметаллос» масъулияти чекланган жамиятининг гальваника цехида сув тиндиргичи тозаланмаган. Шу тўғрисида оқова сувар тиндиргичдан ўтказилмади. Шундай қўндабузарликка йўл қўйгани учун бўлим бошлиғи Н. Толибжонов 2000 сўмлик жаримага тортилди.

• «ЭКОБД» ҳиссадорлик жамиятининг механик бўлими бошлиғи Ф. Ҳакимов автомашиналарнинг ҳолатини назорат қилмаганлиги тўғрисида 1750 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Қорхонанинг яна бир механиги М. Донковцев ҳам оморхона ҳудудида нефть маҳсулотларининг тўкилиши натижасида сув ресурсларини ифлосланишига йўл қўйган. Ушбу қўндабузарлиги уни 1750 сўм жарима тўлашга мажбур этди.

• «Тошқўймак» ҳиссадорлик жамиятининг транспорт ва механизация бошқармаси директори ўринбосари Б. Юнусов автомашиналарни талабга жавоб берадиган ҳолатда ишга чиқарганини ўқиб 1750 сўм жарима тўлади.

• «Тошқўймак» марказининг оморхонасида люминисцент лампалар ноқонуний равишда сакланган. Шу тўғрисида афроз-муҳит ҳавоси бузилиб, инсон соғлиғига ҳам маълум даражада зарар етказилган. Шундай қўндабузарликка йўл қўйган электр маркази устаси Р. Омонов 1750 сўмлик жаримага тортилди.

• Чилонзор туманидаги 167-бўча мудираси Е. Мирская бўча ҳудудидидаги бир неча ҳудудларни қўмитанинг рухсатсиз қосишга буйруқ берган. Мана шу ўзбошимчилик мудираси 2000 сўм жарима тўлашга олиб келди.



Баҳорнинг ilk даракчилари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи қаҳарқир Республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида мавзусидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрида 1999 йилда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган ишларнинг яқини ва галабаси вазиқлар ҳақида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳайъати йўналиши бўлиб ўтди.

Йўналишда шаҳарда 52 та қорхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимлари иштирок этишди. Шунингдек, телевидение, радио ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар. Йўналишда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Юсуф Ражабов иштирокчилар диққатини қўйдиғиларга қаратди.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов хамша атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, шу билан бирга келажак авлодларимизга ҳар томонли маънавият ва маданийта таълимий бўйлиқларини қўлдошириш лозимлигини таъкидлаб келмоқда. Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, маънавий юксалиш билан экологик соғломлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Соғлом авлод йили режаси асосида қатор тадбирларни амалга ошириётганимиз ҳам юқоридаги фикримизнинг далили.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли қарорига асосан «Тошкент шаҳрида 1999–2005 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури ва уни бажарилиши юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги шаҳар ҳокимининг 722-сонли қарори эълон қилинди. Унда навбатдаги вазифа шу қарор асосида шаҳар атроф-муҳит тизимини янада тақомиллаштириш билан экологик муаммоларини бартараф қилишга эришиш лозимлиги ўқидирилди.

Ўтган йилда Тошкент шаҳрида табиат муҳофазаси бўйича 218,2 миллион сўмлик 220 та тадбир бажарилиши йўқалган эди. Йил давомида эса 150 тадбир амалга оширилди. Шундан 86 таси атмосфера ҳавоси, 64 таси эса сув муҳофазаси бўйича белгиланган режалар адо этилиши натижасида атмосферага кераксиз чиқиндиларни чиқариш 1326,9 тоннага камайди,

дарҳол таъмирлашга юборилди. «Тоза ҳаво» тадбири давомида 40 та автотранспорт қорхонаси, 7 та машиналарга техника хизмат кўрсатиш станцияси, 26 та ёниги қўйиш станцияси, 2 та автоташмирлаш заводи текширилиб, улардаги

Муносабат

КўН ТАРТИБИДА — АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

99,0 минг метр куб тоза ичимлик сув тежаб қолинди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш республикамизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб бораётган бир даврда бир қатор қорхоналарда, жумладан Тошкент тепловоз депоси, «Садаф», «Мебель» ҳиссадорлик жамиятларида белгиланган экологик тадбирларни амалга оширишда сустангликка йўл қўйилмоқда. Шулар билан бирга рангли металлларга қайта ишлов бериш ва «Тошкентмебель» қорхоналаридаги ишлар ҳам қониклариз даражада олиб боришмоқда.

Шаҳарда атмосфера ҳавосининг муҳофазасига алоҳида эътибор берилаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг туманлардаги бўлимлари жойларда тез-тез текширувлар ўтказиб туришибди. Масалан, йил давомида 160га яқин автотранспорт қорхоналари давлат нозирлари томонидан қўриқдан ўтказилди. Уларда 4640 та транспорт воситалари нозир эканлиги аниқланди. Шу тўғрисида атмосферага юқори захарли газ чиқариш ҳолларига йўл қўйилган. Атмосфера ҳавосини белгиланган нормадан ортиқча ифлослангиларни ўқиб ўша қорхоналарнинг мансабдор шахслари жаримага тортилди.

Шунингдек, шаҳар Ички ишлар бошқармасининг ҳаракат хавфсизлиги бўлими Давлат автомобил нazorати билан ҳамкорликда апрель-май ва сентябрь-октябрь ойларида «Тоза ҳаво» тадбири мунтазам равишда намунали ўтказиб боришмоқда. Тадбир давомида қўриқдан ўтказилган 3495 та автотранспорт атмосферага ортиқча газ ва тўтун чиқариётганлиги аниқланди ва бу автотранспорт воситалари

аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари қўрилди. Тадбирнинг ақуний натижалари шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳайъати йўналишида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда шаҳримиздаги очик сув ҳавзаларидан фойдаланиш ҳам талаблар даражасида ташкил этилмаганлигини инкор этиб бўлмайди. Айрим туманларнинг раҳбарлари томонидан очик сув ҳавзалари қирққиларида табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатсиз оқватилган қорхоналари, автотомобиллари таъмирлаш ва турар жойлар қурилишига рухсат берилмоқда. Натижада қирққ буёйлар ифлосланиб, очик сув ҳавзалари бўлмамоқда.

Шаҳарда юздан ортиқ 240 километр узунлиқдаги канал ва коллекторлар бўлиб, уларнинг сувидан 60га яқин қорхоналар фойдаланишда. Ўтган йили сувларни ифлослантirmаслик масаласи бўйича ҳам бир қатор текширувлар ўтказилди. 235 кишига маъмурий чора қўрилди.

Ҳайъат йўналишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 554-сонли қарори асосида 2000 йилнинг биринчи февралдан бошлаб ўнги тариф ставкаси бўйича атроф-муҳитга чиқариладиган чиқиндиларга экологик тўлов нормалари ишлаб чиқилди. Йўналиш сўнггида кўн тартибда муҳофаза қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Эрмўйини ЧУПОНОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг илмий-техникавий тармақиди ва экологик тарғибот бўлими бошлиғи.

Мақолаларни Мақсуд ҚОБИЛОВ тайёрлади.

